

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.09.2020.Т.124.01
РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ХАКИМОВ ДИЛМУРОД ВАЛИЖОН ЎҒЛИ

**МАШИНАСОЗЛИК КОРХОНАЛАРИДА СИФАТ БОШҚАРУВ
ТИЗИМИ ВА МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИ
СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.02.04 – “Стандартлаштириш ва маҳсулотлар сифатини бошқариш”

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Хакимов Дилмурод Валижон ўғли

Машинасозлик корхоналарида сифат бошқарув тизими ва маҳсулот сифатини бошқаришни стандартлаштириш талаблари асосида такомиллаштириш 3

Хакимов Дилмурод Валижон угли

Совершенствование системы менеджмента качества и управления качеством продукции на основе требований стандартизации на машиностроительных предприятиях 21

Khakimov Dilmurod Valijon ugli

Improvement of the quality management system and product quality management system based on standardization at machine-building enterprises 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.09.2020.Т.124.01
РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ХАКИМОВ ДИЛМУРОД ВАЛИЖОН ЎҒЛИ

**МАШИНАСОЗЛИК КОРХОНАЛАРИДА СИФАТ БОШҚАРУВ
ТИЗИМИ ВА МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИ
СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.02.04 – “Стандартлаштириш ва маҳсулотлар сифатини бошқариш”

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.3. PhD/T1318 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) веб-саҳифанинг www.andmiedu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муминов Нажмиддин Шамсиддинович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Джумабоев Алижон Бакишевич
техника фанлари доктори, профессор

Бобоев Ғайбулла Ғафурович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Андижон машинасозлик институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.09.2020.T.124.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170119, Андижон шаҳри, Бобур шоҳқўчаси, 56. Тел: (99874) 223-47-18; факс: (99874) 223-43-67; e-mail: u.madrahimov@andmiedu.uz).

Диссертация билан Андижон машинасозлик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170119, Андижон шаҳри, Бобур шоҳқўчаси, 56. Тел:(99891) 612-30-06; факс:(99874) 223-43-67; e-mail: andmi-arm@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

У.М. Турдалиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, техника фанлари доктори

Х.У. Акбаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, техника фанлари номзоди, доцент

К.З. Қосимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда турли мамлакатлар иқтисодиётининг замонавий ривожланиш даражаси ва шароитларида рақобатбардош, сифатли ва хавфсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда етказиш глобал тизимида ишлаб чиқариш жараёнлари ва бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш, такомиллаштириш, етказиш занжиридаги сарф-харажатларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Дунё миқёсида 170 дан ортиқ мамлакатларнинг бир миллиондан ортиқ компания ва ташкилотлари ISO 9001:2015 халқаро стандартига мувофиқ сертификатлаштирилган”¹ бўлиб, саноат тармоқларининг жадал суъратда ўсиши, ахборот коммуникацион ва ресурстежамкор технологияларни қўлланилиши, инновацион ишланмаларни кенг жорий қилинишини сифат бошқарув тизимларини такомиллаштириш заруратини оширади. Шу жиҳатдан, замонавий сифат бошқарув тизими усул ва воситаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида кейинги йилларда замонавий сифат бошқарув тизими асосида корхоналар фаолиятини ташкил этиш, бошқарув самарадорлигини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, сифат бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини таъминлаш, маҳсулот сифатига таъсир қилувчи омилларни камайтириш усулларини қўллаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда иқтисодий ислохотлар натижасида ишлаб чиқариш корхоналарини дунё бозорларига ҳар томонлама уйғунлашувини таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати, хавфсизлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, сифат бошқарув тизими ва маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, “...вазирлик ва идоралар фаолиятига сифат менежменти тизимининг халқаро стандартини (ISO 9001) жорий қилиш...”² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган ва ривожланган мамлакатлар тажрибаларига асосланган сифат бошқарув тизимларини шакллантириш, жорий этиш ва такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июндаги ПҚ-5133 сонли “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳамда

¹ <https://www.iso.org/ru/iso-9001-quality-management.html>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, сифат назарияси, сифат бошқарув тизими ва маҳсулот сифатини бошқаришнинг назарий, услубий ва амалий масалалари, маҳсулот сифатини таъминлаш ва баҳолаш бўйича хорижлик олимлардан У.Шухарт, Ф.Тейлор, Э.Дэминг, А.Фейгенбаум, М.Джуран, К.Исикава, Г.Тагути, Дж.Лайкер, М.Кане, Н.В.Мерзликина, В.В.Ефимов, Ю.И.Осипов, Е.А.Горбашко, О.В.Аристов кабиларнинг илмий изланишлари ва тадқиқотларида муайян даражада тадқиқ этилган.

Юртимиз олимларидан Қ.А.Шарипов, М.М.Тошпўлатов, Б.М.Ахмедов, А.Э.Тешабоев, А.А.Мамажонов, Ш.А.Тўраев ва бошқаларнинг илмий ишлари ва тадқиқотларида сифат бошқарув тизими ва маҳсулот сифатини бошқариш, маҳсулот сифатига таъсир қилувчи омилларнинг умумий жиҳатлари, талаблари ва масалалари билан боғлиқ муаммолар ўрганилган.

Бизнинг тадқиқотларимизда бозор иқтисодиёти шароитида кимёсаноат ва машинасозлик корхоналарининг ҳозирги ривожланиш даврида ишлаб чиқаришнинг мураккаблиги, ўзгариб бораётган шароит ва имкониятларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро стандартлар талаблари асосида сифат бошқарув тизимини ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва такомиллаштириш масалалари илмий тадқиқ қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон машинасозлик институти илмий ишлар режасига мувофиқ ҳамда 2020 йил Андижон машинасозлик институти билан “Birinchі rezinotexnika zavodi” МЧЖ ва “Multi Business Company” МЧЖлар орасидаги тузилган №ТБ-2020-09/5, №ТБ-2021-09/2 хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади машинасозлик корхоналарининг ҳозирги ривожланиш даражаси ва имкониятларидан келиб чиқиб, халқаро стандартлар талаблари асосида сифат тизимини такомиллаштириш модели ва ташкилот стандартларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сифат бошқарув тизимининг назарий ва услубий асосларини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш;

корхона стратегияси, фаолиятнинг мураккаблиги ва ўзига хослик хусусиятлари даражасига кўра сифат бошқарув тизимини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш;

машинасозлик корхоналари ташкилий бошқарув тузилмасини сифат бошқарув тизими талаб ва тамойиллари асосида ишлаб чиқиш;

автомобилсозлик сифат бошқарув тизими талабларини кимёсаноат корхоналарига жорий қилиш механизмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида машинасозлик корхоналарида сифат бошқарув тизимини такомиллаштириш фаолияти, ушбу фаолият билан боғлиқ ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари, маҳсулотларнинг норматив-техник ҳужжатлар тўплами олинган.

Тадқиқотнинг предмети машинасозлик корхоналарида сифат бошқарув тизимини такомиллаштириш назарияси, услубиёти, амалиёти, ташкилий ва илмий-техник хусусиятларининг моделлар тўплами ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларни ечиш учун тизимли таҳлил усуллари, жараёнли ёндашув, кўпўлчовли маълумотлар таҳлили, жараёнларни бошқаришнинг статистик усуллари, сифатни бошқаришнинг ахборотли модели, регрессион ва корреляцион таҳлиллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳсулот тури, ходимларнинг фаолияти ва ҳаракатидан келиб чиққан ҳолда корхонанинг ташқи, ички шароитлари ва тузилмаларига мувофиқлигини таъминлайдиган маҳсулот ва жараёнлар сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш учун мослашувчан модел ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқариш корхонасининг ташкилий тузилмаси, фаолияти, ҳаракатлари ва жараёнларини доимий такомиллаштиришнинг оптимал цикли аниқланган;

ишлаб чиқириш жараёнлари самарадорлиги ва маҳсулот сифат кўрсаткичларини ортишини ишлаб чиқилган жараёнли ёндошувнинг кириш ва чиқиш талабларига асосланган бошқарувнинг ташкилий тузилмаси таъминлаши аниқланган;

“Statistical Process Control” ва “Measurement System Analysis” қўлланмалари асосида, жараёнларнинг имкониятини статистик таҳлил қилиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бажарилган тадқиқот натижалари сифат бошқарув тизимини такомиллаштириш модели асосида ишлаб чиқариш корхонасининг ташкилий бошқарув тузилмаси ишлаб чиқилган ва жорий қилинган;

муаммони туб сабабини тез бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига технология, сифат, техник хизмат кўрсатиш, коммунал хизмат кўрсатиш жараёнларини тежамкор жойлашуви таъминланган ва муаммони ҳал қилишга сарфланган вақт қисқартирилган;

ташкilotни бошқариш учун ISO 9001 ва IATF 16949 халқаро стандартлар талабларини ўз ичига олган ташкilot стандартлари ишлаб чиқилган ва жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот объекти бўйича мавжуд хорижий ва республикадаги адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар тўплами тартиб ва талабларини чуқур таҳлил қилиниши, статистик методлардан кенг фойдаланилганлиги, илмий-тадқиқотларнинг замонавий

усуллари ҳамда назарий ва амалий вазифаларини ҳал қилишда қўлланилиши ҳамда олинган илмий натижаларнинг амалиётда фойдаланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан корхоналарда ташкилий бошқарув фаолиятини самарадорлигини оширишда, сифат бошқарув тизими жараёнларини такомиллаштиришга доир маҳсул тадқиқотларни жорий қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф этилган тузатиш ва олдини олиш чораларни қўллаш орқали ишлаб чиқариш жараёнида нуқсонга йўл қўймаслик, камайтириш ва такомиллаштириш модели асосида самарадорликка эришиш ва маҳсулот етказиш занжиридан ортиқча харажатларни, истеъмолчилар ва буюртмачилар томонидан бўладиган эътирозларни камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Машинасозлик корхоналарида сифат бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

корхоналар ташкилий структураси халқаро стандартларнинг “Жараёнли ёндашув” талабларига тўлиқ мувофиқлаштирилиб, муаммони туб сабабини тез бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига технология, сифат, техник хизмат кўрсатиш, коммунал хизмат кўрсатиш жараёнларини самарали жойлаштириш таъминланган (“Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2021 йил 19 февральдаги 23-3-635-сон маълумотномаси). Натижада муаммони ҳал қилишга сарифланган вақт 4-13 минутдан 1-8 минутгача қисқартирилган;

SPC ва MSA статистик методлари асосида ишлаб чиқариш жараёнлар оқидамида нуқсонлар бўлишининг олди олиниб, даврий PFMEA ўтказишлар асосида назорат режасида хавфнинг устунлик сонини камайтиришга эришилган, назорат режасига ишчи йўриқномалари мувофиқлаштирилган (“Ўзкимёсаноат” АЖнинг 2021 йил 19 февральдаги 23-3-635-сон маълумотномаси). Натижада нуқсонли маҳсулотлар чиқиш даражасини 25% - 30% га камайтиришга эришилган.

диссертация тадқиқотлари илмий натижалари асосида тайёрланган материаллар “Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти” Малака ошириш маркази томонидан тармоқлар ва маҳаллий корхоналар раҳбар ва мутахассис ходимлари учун ўтказилган бир қатор ўқув жараёнларини ташкил қилишда ва юқори савияда ўтказишда фойдаланилган (“Ўзстандарт” агентлиги Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 07 июньдаги 10/1590-сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация

мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола (11 та республика ва 3 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва асосий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сифат тизимини шаклланиш тенденцияси таҳлили асосида диссертациянинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш”** деб номланган биринчи бобида бугунги кунда сифат бошқарув тизимининг умумэътироф этилган таснифи, корхоналарни стратегик ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш замонавий ҳолати, сифат бошқарув тизимини такомиллашининг ўзига хос хусусиятлари ҳар томонлама таҳлил қилинган ва маҳсулот сифатига таъсир этувчи асосий омиллар ўрганилган.

Сифат бошқарув тизими барча глобал ижобий тажрибаларни ўзида жамлаган ва ўз фалсафасида барча сифат тушунчаларини бирлаштирган тизим ҳисобланиб, бутун жаҳон бизнесининг кўп асирлик тажрибасини умумлаширади ҳамда корхоналарни муайян сифат фалсафасини шакллантиришга мажбур қилади.

Сифат тизимининг доимий ривожланиш жараёнида ҳар бир мамлакатнинг маданияти ва иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган ўзига хос сифат фалсафаси яратилади. Шунинг учун, сифат тизимини ривожланиш жараёнида Шарқий, Ғарбий ва МДХ давлатлари сифат фалсафаси йўналишлари пайдо бўлган (1-жадвал).

Ўзбекистонда сифат концепциясини амалга оширишнинг асосий воситаси ISO 9000 халқаро стандартлари талабларига жавоб берадиган сифат бошқарув тизимини жорий этишдир. Ушбу тизим тамойиллари ва уларда шаклланган сифат мезонлари халқаро ҳамжамиятнинг рақобатбардош бизнесни яратишдаги асосий тажрибани ўзида мужассам этади.

Ташкилотда сифат бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш учун унинг бизнес муҳити, ушбу муҳитдаги ўзгаришлар ёки ушбу муҳит билан боғлиқ хавфлар, унинг ўзгарувчан эҳтиёжлари, унинг ўзига хос мақсадлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, унга қўлланилаётган жараёнлар, унинг катталиги ва ташкилий тузилиши инобатга олинади.

Сифат бўйича ёндошувлар

Шарқий давлатлар	Ғарбий давлатлар	МДХ давлатлари	ISO 9001 ва IATF 16949 халқаро стандартлари
Сифат нуқсонларнинг паст даражасига асосланган	Сифат нархларнинг паст даражасига асосланади	Сифат юқори нарх даражасига асосланган	Сифат куйилган талаб тавсифининг мувофиқлик даражасига асосланган
Биринчи мақсад – сифат, фойданинг ўзи келади	Биринчи мақсад – фойда, сифат – тасодифий категория	Биринчи мақсад – фойда ва миқдор	Биринчи мақсад – сифат
Сифат масалалари истеъмолчилар талабалари асосида тасдиқланади	Сифат масалалари истеъмолчи ва етказувчилар орасида келишилади	Сифат масалалари ишлаб чиқарувчи талабалари асосида белгиланади	Сифат масалалари истеъмолчилар талабларини бажаришга ва уларнинг кутилмаларини оширишни интилишга йўналтирилган
Ҳар бир нарса бўйича катъий сифат сиёсати	Сифат бўйича умумий ғоялар	Сифатни белгилашда барқарор сиёсат	Аниқ сифат сиёсати ва мақсадлар
Ҳамкорлик маданияти	Тадбиркорлик маданияти	Бюрократик маданият	Ишлаб чиқариш маданияти

Ушбу ишда сифат бошқарув тизимининг ўрни ва уларни маҳаллий машинасозлик корхоналарида жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари батафсил таҳлил қилинди. ISO 9001:2015 ҳамда IATF 16949 халқаро стандартлари асосида машинасозлик корхоналарида сифат бошқарув тизимини такомиллаштириш йўллари, асосий ўзгаришлар, уларнинг аҳамияти, уларга мос келиши ва қўллаш ҳамда автомобилсозлик талабларини кимёсаноат соҳасига қўллаш имкониятлари кўрсатилди.

Такомиллаштириш жараёнлари ва сифат тизими фаолияти ўртасидаги мувофиқликка эришиш корхонанинг нисбий барқарорлигининг шарти ва айрим ҳолларда ушбу жараёнларни ташкилий қўллаб-қувватлаш усуллари ва воситалари бир хил ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган ва ривожланган мамлакатлар тажрибаларига асосланган сифат бошқарув тизимларини шакллантириш, жорий этиш ва такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш долзарб масала ҳисобланади ва илмий асосланган ҳолда ҳал этишини тақозо этади.


Масалани ўрганиш натижаси шуни кўрсатадики, корхонанинг ташкилий тузилиши, стратегияси, ташқи ва ички муҳити, ходимларнинг фаолияти сифат бошқарув тизимини такомиллаштиришга катта таъсир кўрсатади. Олиб борилган таҳлил натижасида ушбу тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланди.

Диссертациянинг **“Халқаро стандартлар талаблари асосида сифат бошқарув тизимини такомиллаштиришга услубий ёндашувлар”** деб номланган иккинчи бобида машинасозлик корхоналари юқори рақобати, ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблиги, кўплаб ташқи ва ички алоқалар муҳитида сифат бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича амалий тадқиқотлар натижалари ёритилган.

Бунинг учун ташқи ва ички омиллар, бошқарув фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, корхона стратегияси, мақсад ва вазифалари, ишлаб чиқариш


фаолиятининг мураккаблиги ва ўзига хослиги, жараёнли ёндашув, қарорларни қабул қилиш тамойиллари, ходимларнинг фаолияти ва ҳаракатларини эътиборга олиб маҳсулот ва жараёнлар сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш учун мослашувчан модел ишлаб чиқилди (1-расм).

Сифат тизимини такомиллаштириш йўналишлари



1-расм. Сифат тизимини такомиллаштиришнинг мослашувчан модели

Сифат бошқарув тизимини мувофиқлаштириш қобилияти ва мослашувчанлигини таъминлаш йўналишлари ишлаб чиқилган. Сифат тизимини такомиллаштиришда содир бўладиган ўзгаришларнинг таърифи ва моҳияти очиб берилган.



2-расм. Корхонада доимий такомиллаштириш цикли

Сифат тизимини такомиллаштириш йўналишлари корxonанинг мақсад ва вазифаларига, фаолиятининг мураккаблиги ва ўзига хослигига қараб белгиланган. Тизимни ташкил этувчи элементларини доимий такомиллаштириш орқали ишлаб чиқариш корxonасининг ташкилий

тузилмаси, фаолияти, ҳаракатлари ва жараёнларини доимий такомиллаштиришнинг оптимал цикли аниқланган (2-расм).

Жараёнларнинг кириш ва чиқиш талаблари, уларнинг кетма-кетлиги, ўзаро муносабатлари, жараёнлар фаолияти натижавийлигини ва самарадорлигини таъминлаш, уларни бошқариш учун зарур бўлган мезон ва усулларни аниқлаш ва қўллаш, хавфлар ва имкониятларни ҳисобга олиш, жараёнлар учун зарур ресурсларни тақсимлаш, жараёнларга нисбатан масъулият ва ҳуқуқларни тақсимлаш орқали маҳсулот ва жараёнлар сифатини бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг мослашувчан модели шакиллантирилган, бу эса фаолиятнинг ўзаро боғлиқлигини келтириб чиқарган.

Жараёнли ёндашувнинг тамойиллари ва элементларини қўллаган ҳолда ишлаб чиқариш корхонасида горизонтал ва вертикал алоқаларни ўрнатиш учун жараёнли ёндашувга йўналтирилган ташкилий бошқарув тузилмаси ишлаб чиқилган (3-расм).



3-расм. Ташкилотнинг жараёнли ёндашувга йўналтирилган ташкилий бошқарув тузилмаси

Бир жараёнга жалб қилинган бўлимлар ва ходимлар жараён доирасидаги ишларни мустақил равишда мувофиқлаштириши ва юзага келадиган муаммоларни юқори раҳбарият иштирокисиз ҳал қилиш учун дастлабки назарий шартлари яратилди. Жараёнли ёндашувга асосланган бошқарувнинг ташкилий тузилмаси юзага келадиган масалаларни натижавий ва тезроқ ҳал қилиши, ишлаб чиқариш жараёнлари самарадорлигини таъминлаши ва маҳсулот сифат кўрсаткичларини ошириши ўтказилган тадқиқотлар билан тасдиқланган.

Диссертациянинг **“Машинасозлик корхоналарида маҳсулот сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш”** деб номланган учинчи бобида машинасозлик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ходимларни бошқаришни ривожлантириш, юзага келадиган


муаммоларни тез ечиш ва жараён ўзгаришларини бошқариш масалалари келтирилган.

Амалий тадқиоқтлар натижасида маҳсулот ва жараёнлардаги ички ва ташқи муаммоларнинг аҳамиятга мувофиқ стандартлаштирилган чоралар кўриш, кунлик йиғилиш воситасида интизом ва хабардорликни таъминлаш, сифатга алоқадор аҳамиятли маълумотларни визуаль метод ёрдамида ходимларга тез етказиш тизими йўлга қўйилди. Ўзбекистон маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарига мос равишда маҳсулот ва жараёнлардаги барча номувофиқликларни тез бартараф қилиш учун муаммонинг туб сабабни, тузатувчи ва олдини олувчи чораларни аниқлаш, натижавийлик ва юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликларни баҳолаш тизими ишлаб чиқилди.

Муаммони бартараф қилиш қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Муаммони аниқлаш;
2. Муаммони туб сабабини аниқлаш;
3. Тузатувчи чорани аниқлаш ва бажариш.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда корхоналардаги муаммоларни ҳал қилиш учун муаммоларни ечиш жараёни схемаси ишлаб чиқилган (4-расм).



4-расм. Муаммоларни ечиш жараёни схемаси


Муаммоларни бартараф қилиш жараёнида “4М”, “5W” ва “Дарахт таҳлилли” методларидан фойдаланилган. Бу схема бошқа методларни қўллаш имкониятини чекламайди.

Маҳсулот ва жараёнлардаги ўзгаришларни назорат остида ва мувофиқлаштирилган тарзда амалга оширилишини таъминлаш орқали

муаммони ҳал қилишга сарифланган вақтни қисқартириш ва нуқсонли маҳсулотлар чиқиш даражасини камайтиришга эришилган.

Диссертациянинг “**Сифат бошқарув тизими ва маҳсулот сифатини бошқаришни такомиллаштиришда стандартлаштириш услубларини жорий қилиш**” деб номланган тўртинчи бобида стандартлаштириш услуб ва воситаларини такомиллаштириш асосида сифат бошқарув тизимини мақсадли қўллашга қаратилган ишлар амалга оширилган.

Тадқиқот натижалари асосида машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқариш учун жараёнлар оқим картасини тузиш, унга асосан PFMEA таҳлилинини ўтказиш, ўтказилган PFMEA таҳлили бўйича Назорат режасини ўрнатиш ва назорат режасига асосан иш йўриқномаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг боғлиқлигини таъминлаш белгиланди (5-расм).




5-расм. Корхонада жараён назоратининг боғлиқлиги


Юқоридагиларга асосан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва жараёнлар сифатини такомиллаштириш мақсадида, машинасозлик корхонасида жараёнлар назорати механизмлари ўрнатилди ва амалга оширилди. Бунинг учун ҳар бир жараён учун жараён оқими картаси ишлаб чиқилди ва бир вақтнинг ўзида ҳар бир қадам учун PFMEA таҳлили ўтказилди. Ўтказилган PFMEA таҳлили бўйича барча жараёнлар учун назорат режалари ишлаб чиқилиб, ишларни бажариш кетма-кетлиги ишчи йўриқномаларда кўрсатилди.

Тадқиқот доирасида замонавий бошқарув фаолиятининг ўзига хос хусусиятларга эътибор қаратилиб, жараён PFMEAсини амалга ошириш схемаси ишлаб чиқилди (6-расм) ва таҳлил ўтказилди. Таҳлилинини амалга ошириш асосида жараёнларда хавфнинг устунлик сони аниқланди ҳамда юқори хавфнинг устунлик сонлари учун чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларни камайтиришга эришилди (7-расм).

Тасдиқланган PFMEAга асосан назорат режаси ишлаб чиқилди, бунда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун технология жараёнларида кўрсатилган сифат кўрсаткичлари мазмунини ўз ичига олишига эътибор қаратилди. Назорат режаси асосида ходимларга белгиланган алгоритмга риоя қилган ҳолда ишни хатосиз бажаришга имкон берувчи ишчи йўриқномалар ишлаб чиқилди ва жараён назоратининг боғлиқлиги таъминланди. Бу орқали корxonанинг ички жараёнлари, технология, тамойиллар, иш тартиби ва усулларда аниқ жараёнли ёндашув ўрнатилди.




6-расм. FMEAnи амалга ошириш схемаси



7-расм. Энг юқори хавфнинг устунлик сони камайиши


Тадқиқот натижалари асосида корхонада стандартлаштирилган иш тамойилларини амалга ошириш схемаси ишлаб чиқилди (8-расм). Ушбу схема орқали ишларни стандартлаштиришни такомиллаштириш мумкин.




8-расм. Стандартлаштирилган иш тамойилларини амалга ошириш схемаси

Ишлаб чиқариш жараёнлари турғинлиги, маҳсулот тавсифи кўзланганликка эришилганлиги ва истеъмолчи талабларига жавоб беришини текшириш учун PFMEA ва назорат режасида белгиланган критик ва маҳсус тавсифлар бўйича статистик таҳлиллар ўтказилди. Бунда, тадқиқот натижалари ва “SPC” ва “MSA” қўлланмалари талабларига мувофиқ маҳсус дастур ишлаб чиқилди.

SPC таҳлилини ўтказишда 100 та индивидуал қийматлар олинди ва \bar{X} ўртача ва R қулоч стандартдан четланиш хариталари қурилди (9 ва 10-расмлар).



9-расм. Ўртача қийматлар диаграммаси (X-харита)



10-расм. Қийматларнинг фарклари диаграммаси (R-харита)

C_{pk} такрорланувчанлик ва P_{pk} яроқлилик индекслари, техник талабларга нисбати бўйича, жараённи жоизлик чегарасида жойлашуви ва ўзгарувчанлиги қўйидаги формулалар ёрдамида аниқланди:

$$C_{pk} = \frac{UCL - \bar{X}}{3\hat{\sigma}_I} \text{ ва } \frac{\bar{X} - LCL}{3\hat{\sigma}_I}; \quad (1)$$

$$P_{pk} = \frac{UCL - \bar{X}}{3\hat{\sigma}_T} \text{ ва } \frac{\bar{X} - LCL}{3\hat{\sigma}_T}; \quad (2)$$

Жараёнлар имконияти таҳлил қилинганида қўйидаги натижага эришилди (2-жадвал).


2-жадвал

SPC таҳлили натижалари


Статистикалар идентификатори	Қийматлар	Статистикалар идентификатори	Қийматлар
Ўлчов натижаларининг сони	100	Юқори имкониятдаги индекс (CPU)	1,670
Пастки чегара чизиги (LSL)	142,00	Пастки имкониятдаги индекс (CPL)	1,909
Номинал чегара чизиги (CL)	145,00	Имкониятлар индекси (C_p)	1,789
Юқори чегара чизиги (USL)	148,00	Жараён имкониятлари (C_{pk})	1,670
Ўлчамларнинг умумий суммаси	14520	Имкониятлар таъсирчанлиги (CR)	0,559
Ўртача кўрсаткичлар (\bar{X})	145,2	Std оғиб кетиши (n-1)	0,6667
Энг баланд ўлчов кўрсаткичи	147	Std оғиб кетиши (n)	0,6633
Энг паст ўлчов кўрсаткичи	144	Фарқи (n-1)	0,4444
LSL дан паст бўлган кўрсаткичлар	12	Фарқи (n)	0,4400
USL дан юқори бўлган кўрсаткичлар	0	Ишлаб чиқариш кўрсаткичи (P_p)	1,5000
Фарқли қийматлар ўртача кўрсаткичи (\bar{R})	1,3	Ишлаб чиқариш тенденцияси (PR)	0,6667
D_2 кўрсаткичи n=5	2,326	Ишлаб чиқариш кўрсаткичи (P_{pk})	1,4000

Қийматларни 6 сигма бўйича тақсимланишидан ва жараён имконияти C_{pk} кўрсаткичини 1,67 дан юқори бўлиши жараённи статистик бошқаришда уни имкониятини юқори эканлигини кўрсатади.

Ўлчашлар тизими таҳлиллашда 10 та намуна танланди ва сирли рақамланиб 3 нафар назоратчига 3 мартадан ўлчашга берилди ва натижалар олинди ҳамда \bar{X} ўртача ва R кулоч стандартдан четланиш хариталари қурилди (11 ва 12-расмлар).



11-расм. Ўртача қийматлар графиги



12-расм. Қийматлар оралиғи фарқи графиги

Ўлчаш воситасини яқинлигини умумий ўзгравчанлиги % да қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\%EV = 100(EV/TV) = \quad (3)$$

Такрорланувчанлик назоратчи ўзгарувчанлиги умумий ўзгравчанлиги % да қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\%AV = 100(AV/TV) = \quad (4)$$

Ўлчаш натижаларини яқинлик ва такрорланувчанлигини ҳисоблаш умумий ўзгравчанлиги % да қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\%R\vartheta R = 100(R\vartheta R/TV) = \quad (5)$$

Юқорида келтирилган формулалар ёрдамида тайёрланган ўлчаш жараёнларини таҳлиллаш махсус дастур ёрдамида таҳлил қилинганда қуйидаги натижага эришилди (3-жадвал)

3-жадвал

MSA таҳлили натижалари


Ўлчовлар таҳлили			Жоизлик кулами % (Tol)	
Такрорланиши (EV)				
EV = R x K1 0,002	Сони	K1	%EV = 100 (EV/Tol) 2,17	
	2	0,8865		
	3	0,5907		
Репродуктивлиги (AV)				
AV = {(x _{DIFF} x K ₂) ² - (EV ² /nr)} ^{1/2}		n - қисмалар		%AV = 100 (AV/Tol) 0,57
		r - ўлчовлар		
0,001	Назоратчи K ₂	2	3	
		0,7071	0,5231	
Такрорланиш ва Репродуктивлик имконияти (GRR)				
GRR = {(EV ² + AV ²) ^{1/2}			%GRR = 100 (GRR/Tol) 2,24	
0,002	Намуна	K ₃		
	2	0,7087		
Намуналар узгарувчанлиги (PV)				
PV - R _P x K ₃ 0,023	3	0,5236	%PV = 100 (PV/Tol) 22,71	
	4	0,4464		
	5	0,4032		
Жоизлик кулами (Tol)	6	0,3745		
	7	0,3534		
Tol = Upper - Lower / 6 0,100	8	0,3378	%ndc = 1,41(PV/GRR) 14,00	
	9	0,3247		
	10	0,3145		

K₁, K₂ ва K₃ эркинлик даражаси сони катта ва кичик дисперсияга мувофиқ F-Фишер-Снедекор тақсимланиш қийматидан олинади.

Юқорида ўлчов тизими таҳлилидан олинган %EV = 2,17; %AV = 0,57 ва %GRR = 2,24 кўрсаткич натижаларини 10% дан камлиги, ўлчов тизими жараёнларини ишончли эканини кўрсатди.

Корхонада сифат бошқарув тизими самарадорлигини мониторинг қилиш, унинг ташкилий тузилмаси ва ишлаб чиқариш хусусиятидан келиб чиқиб амалга оширилди. Бунда ички ва ташқи аудит натижалари (13-расм), қўйилган мақсадларга эришиш натижалари, истеъмолчилардан олинган маълумотлар, жараёнларнинг натижавийлик ва маҳсулотнинг мувофиқлик даражасини, тузатувчи ва олдини олувчи чораларнинг ҳолати ва юқори

рахбарият томонидан ўтказилган аввалги таҳлил натижалари бўйича қарорларнинг бажарилиши каби натижалар таҳлил қилинди.



13-расм. Ички аудитларда аниқланган номувофикликлар камайиш сурати

Диссертация иши натижалари асосида ишлаб чиқаришга таклифлар жорий этилди, шунингдек ишлаб чиқилган ва жорий этилган натижаларни самарадорлигини баҳолаш ишлари бажарилган.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

“Машинасозлик корхоналарида сифат бошқарув тизими ва маҳсулот сифатини бошқаришни стандартлаштириш талаблари асосида такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Маҳсулот тури, ходимларнинг фаолияти ва ҳаракатидан келиб чиққан ҳолда корxonанинг ташқи, ички шароитлари ва тузилмаларига мувофиқлигини таъминлайдиган маҳсулот ва жараёнлар сифатини бошқариш тизимини такомиллаштириш учун мослашувчан модел ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган модел тизимнинг мустақил самарали ишлаш имкониятларини оширади.

2. Такومиллаштириш модели ва жараёнли ёндашув асосида машинасозлик корхоналари учун жараёнли ёндашувга йўналтирилган корxonанинг ташкилий бошқарув тузилмаси ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган ташкилий бошқарув тузилмаси корхонадаги вертикал ва горизонтал алоқаларни яхшилаши, бутун ташкилотнинг самарадорлик кўрсаткичларини ўсиш имконини беради.

3. Сифат бошқарув тизимини халқаро стандартлар талабларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш корхоналари стратегияси ва унга етишиш учун керакли манбалари кўрсатилган Сифат сиёсати ва мақсадлари ишлаб чиқилган. Ушбу ишлаб чиқилган Сифат сиёсати ва мақсадлар тизимини такомиллаштириш имконини оширади.

4. Халқаро стандартлар ISO 9001:2015, ISO 50001:2018 ва IATF 16949:2016 талабларини корхонага жорий қилиш учун 20 дан ортиқ ташкилот стандартлари ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган ташкилот стандартлари сифатни бошқариш, маҳсулот ишлаб чиқаришга алоқадор бўлимларнинг

бошқарув жараёнлари, вазифаларини белгилаш, ҳуқуқ ва жавобгарликларини аниқлаш ва ошириш имконини беради.

5. Корхоналардаги муаммоларни ҳал қилиш учун муаммоларни ечиш жараёни схемаси ишлаб чиқилган. Ушбу схема жараёнга таъсир этувчилар асосий туб сабабларни аниқлаш имконини беради.

6. Машинасозлик корхоналари фаолиятини бошқариш учун жараёнлар оқим картаси, PFMEA таҳлили, Назорат режаси ҳамда иш йўриқномаларини амалга ошириш жараёни ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган жараёнлар корхонада иш унумдорлиги, нуқсонларнинг камайиши ва олдини олиш, ишлар сифатини ошишига имкон беради.

7. “Statistical Process Control” ва “Measurement System Analysis” қўлланмаларидан фойдаланиб, махсус дастур тайёрланган. Дастур жараён имконияти ва ўлчаш тизимини таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

8. SPC ва MSA статистик методлари асосида ишлаб чиқариш жараёнлари оқими таҳлил қилинди, даврий PFMEA ўтказишлар асосида назорат режасида хавфнинг устунлик сонини камайтиришга эришилди, назорат режасига SOS ва JES йўриқномалари мувофиқлаштирилди, натижада нуқсон маҳсулот чиқиш даражасини 25% - 30% га камайтиришга эришилди.

9. ISO 9001:2015, ISO 50001:2018 ва IATF 16949:2016 халқаро стандартларини жорий этишда, маслаҳат хизмати кўрсатувчи ташкилотлар хизматидан фойдаланилмай 50 млн. сўмдан ортиқ ҳамда нуқсон маҳсулот чиқиш даражасини камайиши ҳисобига 80 млн. сўмдан ортиқ маблағ тежалди, умумий ҳисобда йилига 130 млн. сўмдан ортиқ маблағни тежалишига эришилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.09.2020.Т.124.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
АНДИЖАНСКОМ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

ХАКИМОВ ДИЛМУРОД ВАЛИЖОН УГЛИ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ МЕНЕДЖМЕНТА
КАЧЕСТВА И УПРАВЛЕНИЯ КАЧЕСТВОМ ПРОДУКЦИИ
НА ОСНОВЕ ТРЕБОВАНИЙ СТАНДАРТИЗАЦИИ НА
МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ**

05.02.04 – «Стандартизация и управление качеством продукции»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.3. PhD/T1318

Диссертация выполнена в Андижанском машиностроительном институте
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.andmiedu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель:	Муминов Нажмидди Шамсиддинович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Джумабоев Алижон Бакишевич доктор технических наук, профессор Бобоев Гайбулла Гафурович доктор философии технических наук
Ведущая организация:	Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 2022 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.09.2020.T.124.01 при Андижанском машиностроительном институте по адресу: 170119, г. Андижан, просп. Бобура, 56. Тел: (99874) 223-47-18; факс: (99874) 223-43-67; e-mail: info@andmiedu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского машиностроительного института (зарегистрировано за №__. Адрес 170119, г. Андижан, просп. Бобура, 56. Тел:(99891) 612-30-06; факс:(99874) 223-43-67; e-mail: andmi-arm@umail.uz.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2022 года).

У.М. Турдалиев
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней доктор технических наук.

Х.У. Акбаров
Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, кандидат технических наук, доцент.

К.З. Касимов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор технических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире на сегодняшнем современном уровне развития и условиях экономики различных стран особое внимание уделяется повышению эффективности, совершенствованию производственных процессов и системы управления, снижению издержек в цепочке поставок в глобальной системе производства и поставки конкурентоспособной, качественной и безопасной продукции. «Более миллиона компаний и организаций из более чем 170 стран мира сертифицированы в соответствии с международным стандартом ISO 9001:2015»¹, ускоренный рост отраслей промышленности, внедрение информационно-коммуникационных и ресурсосберегающих технологий, широкое внедрение инновационных разработок повышают необходимость совершенствования систем управления качеством. В этой связи использование методов и инструментов современной системы управления качеством является важным.

В последние годы во всем мире проводится научно-исследовательская работа, направленная на организацию деятельности предприятий на основе современной системы управления качеством, повышение эффективности управления, а также увеличению производственных мощностей. В этой связи особое внимание уделяется вопросам повышения эффективности производства за счет совершенствования системы управления качеством, обеспечения качества продукции, применения методов снижения факторов, влияющих на качество продукции.

В результате экономических реформ в республике осуществляются комплексные меры по обеспечению полной интеграции интеграции промышленных предприятий в мировые рынки, повышению качества, безопасности и конкурентоспособности производимой продукции, совершенствованию системы управления качеством и процессов производства продукции, достигаются определенные результаты. В стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы установлена задача «...внедрение международного стандарта системы менеджмента качества (ISO 9001) в деятельность министерств и ведомств ...»². Важное значение в реализации этих задач приобретает, в том числе, формирование, внедрение и совершенствование систем управления качеством, отвечающих требованиям международных стандартов и основанных на опыте развитых стран.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Постановлением Президента Республики Узбекистан от 2 июня 2021 года №ПП-5133 «О мерах по организации деятельности Узбекского агентства по техническому регулированию при Министерстве инвестиций и внешней торговли

¹ <https://www.iso.org/ru/iso-9001-quality-management.html>

² Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

Республики Узбекистан », а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование соответствует приоритетным направлениям развития науки и технологий республики II «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Вопросы организации и управления деятельностью производственных предприятий, теории качества, системы управления качеством и теоретико-методическим и практическим вопросам управления качеством продукции, обеспечения и оценки качества продукции в определенной степени исследованы в научных исследованиях ряда зарубежных ученых, таких как, У.Шухарт, Ф.Тейлор, Э.Дэминг, А.Фейгенбаум, М.Джуран, К.Исикава, Г.Тагути, Дж.Лайкер М.Кане, Н.В.Мерзликина, В.В.Ефимов, Ю.И.Осипов, Е.А.Горбашко, О.В.Аристов и т.д.

В научных работах и исследованиях К.А.Шарипова, М.М.Тошпулатова, Б.М.Ахмедова, А.Э.Тешабоева, А.А.Мамажонова, Ш.А.Тураева и других ученых нашей страны изучались проблемы, связанные с системой управления качеством и управления качеством продукции, общими аспектами, требованиями и проблемами факторов, влияющих на качество продукции.

В нашем исследовании научно исследованы вопросы разработки, внедрение и совершенствование систем менеджмента качества на основе требований международных стандартов с учетом сложности производства, меняющихся условий и возможностей на современном этапе развития химических и машиностроительных предприятий в условиях рыночной экономики.

Связь диссертационных исследований с планами научно-исследовательских работ образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научных работ Андижанского машиностроительного института и в рамках хозяйственных договоров №ТБ-2020-09/5, №ТБ-2021-09/2, заключенных в 2020 году между Андижанским машиностроительным институтом и ООО «Birinchi rezinotexnika zavodi» и ООО «Multi Business Company».

Целью исследования является разработка модели совершенствования системы качества и организационных стандартов на основе требований международных стандартов, исходя из текущего уровня развития и возможностей машиностроительных предприятий.

Задачи исследования:

